



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG‘I

20 22 yil “ 27 ” декабрь

№ 333

Toshkent sh.

**Республика тез тиббий ёрдам маркази ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мактабини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 5 май куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 38-сонли баёни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 июндаги “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-283-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

**БУЮРАМАН:**

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика шошилинич тиббий ёрдам ўқув-машғулот маркази Республика тез тиббий ёрдам маркази ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мактаби (кейинги ўринларда – Мактаб) масъулияти чекланган жамият этиб Республика тез тиббий ёрдам маркази (кейинги ўринларда – Марказ) негизда қайта ташкил этилсин ҳамда тасарруфига ўтказилиши маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мактаб Республика тез тиббий ёрдам марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, барча мол-мулклари ва тузилган шартномалар бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши инобатга олинсин.

3. Мактаб тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш харажатлари Республика тез тиббий ёрдам маркази учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилсин.

**4. Фан ва таълим бошқармаси (У.Исмаилов), Республика тез тиббий ёрдам маркази (А.Гафуров)** Республика тез тиббий ёрдам маркази ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мактабининг низомини жорий йилнинг якунига қадар тасдиқлашга киритсин.

**5. Республика тез тиббий ёрдам маркази (А.Гафуров), Инвестиция ва грант лойиҳаларини мувофиқлаштириш бошқармаси (Н.Расулов), Пуллик хизматни ташкил этиш бўлими (С.Вохидхўжаев):**

Мактабнинг худудий филиалларини ташкил этсин;

Мактабнинг худудий филиалларини маҳаллий бюджет маблағлари, Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси маблағлари, халқаро банклар, халқаро хайриялар, халқаро грантлар, фондлар ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирган маблағлар ҳисобидан жиҳозланиш чораларини кўрсин;

тез тиббий ёрдам шифокор, фельдшер ва ҳайдовчиларни ўқитишда худудий филиаллари ўзини йиллик харажатлар сметасига ўқитиш харажатларини киритсин ва режа асосида Мактабда ўқитилсин;

Мактаб ва унинг худудий филиалларига пуллик хизматларни ташкил қилсин ҳамда пуллик хизматлардан келиб тушган маблағларни ўзининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга шунингдек, КРІ тизими асосида ходимларни муносиб рағбатлантиришга руҳсат берилсин.

**6. Фан ва таълим бошқармаси (У.Исмаилов), Республика тез тиббий ёрдам маркази (А.Гафуров), Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (Х.Акилов):**

тез тиббий ёрдам бригадаларининг 12 мингдан зиёд шифокорлари ва 28 мингга яқин фельдшер ва ҳамширалари, 14 минг яқин тез тиббий ёрдам бригадаларнинг ҳайдовчиларини аҳолига тез тиббий ёрдам ходимлари етиб келгунига қадар биринчи тиббий ёрдамни ва дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларига ўргатувчи тиббиёт ходимларини, йўриқчиларини тайёрлаш мақсадида вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ўз ходимларини мактабида ўқитишни ташкил қилсин. 2022 йил якунига қадар ўқитиш бўйича режа-жадвалини ишлаб чиқсин ҳамда 2023 йил январь ойидан бошлаб тўлиқ ўқитиш тизимини йўлга қўйсин;

РТТЁМ ва унинг филиаллари бошқарув аппарати ходимларини замонавий бошқарув стандартлари асосида доимий малакасини ошириш тизимини йўлга қўйсин;

тиббий ёрдам ходимлари етиб келгунча биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш йўналишда, фавқулодда ҳолатларда, энг илғор тажрибаларни жалб қилган

ҳолда, ўқитиш тизимини яратсин ва уни турли ташкилот ходимларини ўқитишда қўлласин;

Call-марказлар ишини янада такомиллаштириш мақсадида, ходимларни малакасини ошириш учун, ушбу йўналишдаги энг илғор хорижий тажрибаларни жалб қилган ҳолда, аҳолидан тушган чақирувлар қабул қилиш тизимини янги даражага олиб чиқиш учун ўқув курсларини ташкил этсин;

Мактаб фаолиятини йўлга қуйишда энг замонавий Ахборот тизимларини жорий этсин ва замонавий технологиялар асосида ўқитиш имкониятларини яратсин;

ўқитиш тизимини ташкил этишда мактабга хорижий инвесторларни жалб қилсин ва моддий техник базаси, ўқув методик базасини жаҳон стандартлари асосида ташкил этсин;

малака ошириш жараёнига Туркия, Корея, Испания, Франция ва бошқа тез тиббий ёрдам тизими ривожланган мамлакатлардан мутахассисларни мактабга жалб қилсин;

тасдиқланган дастурлар асосида ўқув машғулотларини сайёр малака ошириш курс сифатида, масофавий тартибда, семинарлар кўринишида амалга ошириш чораларини кўрсин.

**7. Республика тез тиббий ёрдам маркази (А.Гафуров)** Мактаб ташкил қилинганлиги инобатга олиб Республика тез тиббий ёрдам маркази низомига тегишли ўзгаришлар киритиб, янги таҳрири тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш учун вазирликка киритсин.

8. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Иноятов зиммасига юклатилсин.

Вазир



Б. Мусаев